

**Ўзбекистон Республикасининг 2023-2025 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастури (ПҚ-459) доирасида 2023 йилда "Навий КМК" АЖ томонидан амалга оширилиши белгиланган инвестиция лойиҳаларида январь-март ойларида амалга оширилган ишлар бўйича ЙИҒМА МАЪЛУМОТ**

млн.долл.


| № | Лойиҳа ташаббускорлари ва лойиҳа номи   | Лойиҳанинг умумий қиймати | Амалга ошириш муддати | 2023 йил ўзлаштириш прогнози | 2023 йил январь-март ўзлаштириш |               |              |              | Лойиҳа ҳолати   |
|---|---|---------------------------|-----------------------|------------------------------|---------------------------------|---------------|--------------|--------------|---|
|   |   |                           |                       |                              | прогноз                         | кутилиши      | (+/-)        | %            |   |
|   | <b>Жами "НКМК" АЖ</b>   | <b>2 324.13</b>           |                       | <b>405.51</b>                | <b>86.36</b>                    | <b>100.60</b> | <b>14.24</b> | <b>116.5</b> |   |
|   | шу жумладан:  |                           |                       |                              |                                 |               |              |              |   |
|   | чет эл банклари кредитлари  | 2 324.13                  |                       | 405.51                       | 86.36                           | 100.60        | 14.24        | 116.5        |   |
|   | <b>Янги қурилиш</b>   | <b>1 716.90</b>           |                       | <b>266.53</b>                | <b>59.91</b>                    | <b>70.79</b>  | <b>10.88</b> | <b>118.2</b> |   |
| 1 | «Мурунгов» конини ўзлаштириш (V навбати) I-босқич   | 733.94                    | 2016-2025йй.          | 32.00                        | 3.85                            | 13.46         | 9.61         | 349.6        | Лойиҳа ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 ноябрдаги №907-сонли қарори билан тасдиқланган.<br>Қурилиш ҳолати: «Мурунгов» кони шимолий-шарқий ЦПТ, ДПП-5, ДПП-6 объектлари ишчи ҳайъат далолатномаси билан фойдаланишга топширилди. "ВЛ 6 кВ электр тармоғини карьер бортига кўчириш" ишлари якунланди. ГПП-9 ва ГПП-5 станцияси қурилиши ишлари олиб борилмоқда. ИПК-3 ни кўчириш лойиҳаси доирасида темир йўл қурилиши ишларининг I-босқичи якунланди ва ишчи ҳайъат далолатномаси расмийлаштирилди. ППК-3 ни кўчириш лойиҳаси доирасида (2 босқич) Юг-Порода қурилмасини тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.   |
|   | чет эл банклари кредитлари  | 733.94                    |                       | 32.00                        | 3.85                            | 13.46         | 9.61         | 349.6        |   |
| 2 | «Мурунгов» конини ўзлаштириш (V навбати) I-босқич лойиҳасига оид саннат объектларини электр энергияси билан таъминлаш | 113.75                    | 2018-2024йй.          | 7.50                         |                                 |               |              |              | Лойиҳанинг ТИҲси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 майдаги №331-сон қарори билан тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПҚ-3465-сон қарори асосида бош пудратчи "Узэлектроаппарат-электрошит" АЖ билан шартнома тузилган.<br>"Мурунгов" конининг V-навбати чегараларида тоғ-кон ишларининг жадаллик билан ривожланиши муносабати билан "ГПП-1" нимстанцияси ва ВЛ 110 кВ трассаларининг сўнгги жойлашувини аниқлаштириш (объектларни қуриш учун жой танлаш далолатномасини расмийлаштириш), ишчи лойиҳани ишлаб чиқиш, муҳандислик-геологик ва топографик-геодезия тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Барча ишлар тасдиқланган тармок жадвали асосида олиб борилмоқда.  |
|   | чет эл банклари кредитлари  | 113.75                    |                       | 7.50                         |                                 |               |              |              |   |
| 3 | "Зармитан" конининг қуйи горизонтларини ўзлаштириш (0.00м. гор.гача)  | 235.57                    | 2017-2024йй.          | 25.00                        | 5.80                            | 7.07          | 1.27         | 121.9        | Лойиҳанинг ТИА Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2019 йил 14 февралда №127-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - НКМК ЗКБ.<br>Чехия Республикаси «Mine Construction Alliance s.r.o.» корхонаси билан "Скиповой" шахта қурилиши ва «Бош» шахта стволини чуқурлаштириш ҳамда стволларни жиҳозлашга тендер асосида пудрат шартномалари имзоланган.<br>Қурилиш ҳолати: 1. "Чармитан" конининг +420 м сатҳни очиш бўйича жорий даврда жами 624 п.м. қия ва горизонтал кон капитал лаҳимлари казиб ўтилди.<br>2. "Скипли" вертикал шахта стволи бўйича қурилиш бошланганидан 1000 п.м. ствол казиб ўтилиб, мустаҳкамланди. Жорий даврда стволда +420м, +360м, +300м, +270м, +240м сатҳларда 400 п.м. вертикал, қия ва горизонтал лаҳимлар ҳам ўтилди, ҳамда 550 м³ бетон билан мустаҳкамлаш ишлари бажарилди. "Скипли" ствол учун пудратчи томонидан стационар электр ускуналар олиб келинмоқда.<br>3. "Асосий" вертикал шахта стволини чуқурлаштириш: I ва II босқич вертикал шахта стволини чуқурлаштириш +525 м сатҳдан -10,0 м сатҳгача тушиш жами - 535 п.м. ўтилди. Жорий даврда стволда 0,00 м сатҳда 311 п.м. ствол олди ҳовиллари (околотвольный двор) ҳамда горизонтал лаҳимлар ҳам ўтилди. Жорий йилнинг 3 ойида 1,05 млн. долларлик 2 дон кон шахта транспорт машинаси харид қилинди. Ишлар тармок жадвали бўйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йўқ. |
|   | чет эл банклари кредитлари  | 235.57                    |                       | 25.00                        | 5.80                            | 7.07          | 1.27         | 121.9        |   |

| № | Лойиха ташаббускорлари ва лойиха номи  | Лойиханинг умумий киймати | Амалга ошириш муддати | 2023 йил ўзлаштириш прогнози | 2023 йил январь-март ўзлаштириш |          |       |       | Лойиха ҳолати   |
|---|--|---------------------------|-----------------------|------------------------------|---------------------------------|----------|-------|-------|---|
|   |  |                           |                       |                              | прогноз                         | кутилиши | (+/-) | %     |   |
| 4 | "Балпантоғ" ва "Томдibuлоқ" конлари негизда казиб олиш карьерини қуриш                         | 108.33                    | 2021-2023йй.          | 40.18                        | 9.78                            | 9.78     |       | 100.0 | Лойиханинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги №531-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - ЭҚБ НКМК<br>Қурилиш ҳолати: Лойиха бўйича 34 км темир йул қурилиш ишлари якунланиб фойдаланишга топширилди. Карьер очиш ишлари олиб борилмоқда. Балпантоғ карьерини электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 25 дона бетон таянч ҳамда 6 дона темир таянчлари ва кабеллар монтаж қилиб булинди. Карьер қошидаги инфратузилма объектларида қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Балпантоғ карьерини участкаси ҳудудида ПКТПБ-1600/35/6 кВ типдаги 35/6 кВ мобил пакетли блокли трансформатор подстанциясини ўрнатиш ва 35 кВ ҳаво линиясига улаш ишлари бошланди. Бугунги кунда ички муҳандислик коммуникациялари, ВЛ6 кВ Л-1, Л-2 ҲЛ бўйича 120 та темир бетон опоралари ўрнатилди. Томдibuлоқ ишлаб чиқариш ҳудудининг электр таъминоти лойиха асосида монтаж ишлари бошланиб 100/35/0,4 кВ ТП ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. ПКТПБ-1600/35/6 кВдан площадка водозаборигача 6 кВ ҳаво линияси лойиха асосида монтаж ишлари олиб борилмоқда. "Балпантоғ" карьерини sanoat ҳудудидан "қир ювиш" ва "ошхона" биноларининг қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилмоқда ва карьер олди ҳудудида контейнерлик типдаги автомобилларга ёқилги қуйиш станцияси ускунаси монтаж ишларини амалга ошириш учун ер ишлари бажарилди. Кон техникалари ва бошқа асбоб-ускуналар харид қилиш учун шартномалар расмийлаштирилиб, босқичма-босқич етказиб берилмоқда. Тулов ва логистика бўйича муаммолар етказиб берувчилар билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда.   |
|   | чет эл банклари кредитлари   | 108.33                    |                       | 40.18                        | 9.78                            | 9.78     |       | 100.0 |   |
| 5 | "Пистали" қонида олтин таркибли маъданларни казиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини қуриш (6-ГМЗ) | 274.67                    | 2021-2024йй.          | 99.82                        | 26.64                           | 26.64    |       | 100.0 | Лойиханинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги №569 -сонли қарори билан тасдиқланган.<br>Қурилиш ҳолати: Ҳозирги кунда sanoat зонаси тўлиғича чегара тўсиқ деворлар билан ўралди.<br>Қазиб олиш комплексида: Ҳозирги кунда sanoat зонаси тўлиғича чегара тўсиқ деворлар билан ўралди.<br>Қазиб олиш комплексида: Рудани қабул қилиш бўғини 90 фоизга, 1 ва 2-конвейерлар, рудани саклаш омбори қурилиши ишлари 90 фоизга бажарилган, ишлар давом этмоқда. 3-конвейер металконструкциялари монтаж ишлари олиб борилмоқда.<br>Рудани қайта ишлаш комплексида: Қурилиш-монтаж ишлари Реагент омборида якунланган, қуйилтиргич (сгуститель) булинмаси ва цианли натрий омборида 95 фоизга якунланган. Сорбция булинмасида барча 20 та 450 м³ ва 3 та 1500 м³ чанлар монтаж қилинди ва электр монтаж ишлари якунланиш арафасида. Насос станцияси қурилиши ишлари олиб борилмоқда.<br>Бош бинода қурилиш-монтаж ишлари 75 фоизга ва технологик қувурларнинг монтаж ишлари 70 фоизга якунланган. Биринчи тегирмон блокадаги ММС 90х30 тегирмони ўрнатилди, МШЦ 55х75 тегирмонини йиғиш ишлари якунланиш арафасида, 4 дона гидроциклон, 2 дона зумпф, 4 дона жиггинг машинаси (отсадочная машина), 7 дона концентрация ускунаси (концентрационный стол), 4 дона 10 ГР ва 3 дона 8 ГР насослари ўрнатилди. Шунингдек бош бинодаги 80 тонна юк кўтариш қобилиятига эга кўприкли кран монтаж қилинди. Ички муҳандислик коммуникацияларини монтаж ишлари ва обдонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.<br>Ердамчи инфраструктура объектларида: Портловчи моддалар омбори қурилиши якунланди. Завод лаборатория биноси, маиший биноси, маъмурий биноси, ошхона биноларида қурилиш ишлари якунланиш арафасида. Материаллар омбори, гараж, маркази таъмирлаш цехи, пульпопровод тармоғи, техник сув линияси, 1 та 10 000 м³ техник сув омбори қурилиши ишлари давом этмоқда. 2 та 500 м³ ичимлик сув ва 1 та 10 000 м³ техник сув омбори қурилиш ишлари якунланди.<br>Кон техникалари босқичма-босқич етказиб берилмоқда. Тулов ва логистика бўйича муаммолар етказиб берувчилар билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда.<br>Лойиха доирасида 6-ГМЗ нинг 1-босқичини ишга тушириш 2023 йилнинг 20 июнигача таъминланади. Барча ишлар тасдиқланган тармоқ жадвали асосида олиб борилмоқда. |
|   | чет эл банклари кредитлари   | 274.67                    |                       | 99.82                        | 26.64                           | 26.64    |       | 100.0 |   |

| № | Лойиха ташаббускорлари ва лойиха номи  | Лойиханинг умумий киймати | Амалга ошириш муддати | 2023 йил ўзлаштириш прогнози | 2023 йил январь-март ўзлаштириш |              |             |              | Лойиха ҳолати  |
|---|--|---------------------------|-----------------------|------------------------------|---------------------------------|--------------|-------------|--------------|--|
|   |  |                           |                       |                              | прогно з                        | кутили-ши    | (+/-)       | %            |  |
| 6 | “Пистали” конида олтин таркибли маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуасини қуриш (6-ГМЗ) лойихасига оид sanoat объектларини электр энергияси билан таъминлаш | 36.60                     | 2021-2023йй.          | 10.58                        | 5.28                            | 5.28         |             | 100.0        | Лойиханинг ТИХси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 декабрдаги №729-сон қарори билан тасдиқланган.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПҚ-3465-сон қарори асосида бош пудратчи “Ўзэлектроаппарат-электрошит” АЖ билан шартнома тузилган. Ишчи лойиха ишлаб чиқилган.<br>Бугунги кунда 220 кВ ҳаво электр узатиш тармоғининг таянчлари учун 177 тадан, 176 та пикетда пойдеворлар ўрнатилди ва 148 та пикетда таянчлар ўрнатилди. 53 км дан 33.5 км сим тортилди. Подстанцияда қуввати 40 МВА бўлган бир дона трансформатор ўрнатилди ва электр кучланишли қурилмалари қурилиш майдонига келтирилган. «Пистали» кони sanoat объектларини электр энергияси билан таъминлаш учун «Дехибаланд» подстанциясидан «Пистали» конигача узунлиги 53 км бўлган 220 кВ кучланишли ҳаво электр узатиш тармоғи ва 220/35/6 кВ кучланишли подстанция қурилиш ишлари “O`zelektroapparat-Elektroshield” АЖ томонидан олиб борилмоқда. Бугунги кунда ишлар 75 фоизга бажарилган. Ишлар тармоқ жадвали бўйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йук.  |
|   | чет эл банклари кредитлари   | 36.60                     |                       | 10.58                        | 5.28                            | 5.28         |             | 100.0        |  |
| 7 | “Чуқурқудук” кони захираларини қазиб олиш  | 188.64                    | 2022-2025йй.          | 26.05                        | 5.46                            | 5.46         |             | 100.0        | Лойиханинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 августдаги №481-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - ЗҚБ НКМК.<br>Қурилиш ҳолати: Ҳозирги кунда ишчи ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жорий йил ажратилган маблағ доирасида ускуналар ва техникалар харид қилиш учун бююртмалар расмийлаштирилмоқда.<br>Ишлар тармоқ жадвали бўйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йук.  |
|   | чет эл банклари кредитлари   | 188.64                    |                       | 26.05                        | 5.46                            | 5.46         |             | 100.0        |  |
| 8 | Нурота худудиди ва «Пистали» конида ташки электр энергиясининг тармоқ иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш  | 25.40                     | 2022-2023йй.          | 25.40                        | 3.10                            | 3.10         |             | 100.0        | Қурилиш ҳолати: Нурота худудиди ва “Пистали” конида ташки электр энергиясининг тармоқ иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш” инвестиция лойихасини техник-иқтисодий ҳисоб китоби (ТИХК) ва ишчи ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бугунги кунда 151 та дан 125 та таянч учун хандак қазилди, шундан 90 та таянч пойдевор ва 6 та таянчлар ўрнатилди.<br>Ишлар тармоқ жадвали бўйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йук.   |
|   | чет эл банклари кредитлари   | 25.40                     |                       | 25.40                        | 3.10                            | 3.10         |             | 100.0        |  |
|   | <b>Модернизация ва реконструкция</b>   | <b>607.23</b>             |                       | <b>138.98</b>                | <b>26.45</b>                    | <b>29.81</b> | <b>3.36</b> | <b>112.7</b> |  |
| 9 | Амударё-Зарафшон сув қувурининг 3-линиясини қуриш ва насос станцияларини реконструкция қилиш   | 127.50                    | 2018-2024йй.          | 10.00                        | 1.63                            | 1.63         |             | 100.0        | Лойиханинг ТИХси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 июндаги №472-16-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - НКМК ЗҚБ.<br>Қурилиш ҳолати: Лойиха бўйича Ø1220 мм бўлган 157,3 км сув қувури ётқизиш кўзда тутилган. Лойиха бошидан 2-НС ва КП-21 оралиғи 11700 п/м, 3-НС ва 4-НС оралиғи 15800 п/м, КП-51 ва 6-НС оралиғи 10800 п/м, КП-11 ва КП-12 оралиғи 10300 п/м, КП-21 ва КП-22 оралиғи 12500 п/м, КП-13 ва КП-14 оралиғи 9500 п/м, КП-22 ва КП-23 оралиғи 12600 п/м, КП-14 ва 2-НС оралиғи 10000 п/м, 4-НС ва КП-41 оралиғи 10000 п/м, КП-42 ва КП-43 оралиғи 10000 п/м, бўлган қисмларининг қурилиш монтаж ишлари якунланиб 113200 п/м қисми фойдаланишга топширилган. КП-12 ва КП-13 оралиғи 10000 п/мдан 8000 п/м қисмида қувурлар ўрнатилган ва қурилиш-монтаж ишлари давом этмоқда.<br>Ҳозирда 15А КП биноси қурилиши ва 2 дона Ду1000 мм зулфинлар монтаж ишлари бажарилган, объектда ишлар тўлиқ якунланиб фойдаланишга топширилмоқда. 1-сонли НСнинг реконструкция ишлари якунланиб, объект фойдаланишга топшириш учун синовдан ўтказиш қутилмоқда. 4-сонли НСнинг реконструкция ишларида қўшимча бино темир-бетон фундаментлари, девор ва том қисми колонна ва балкалари монтаж ишлари амалга оширилган бўлиб, ҳозирда “Сендвич” панели қопламалар монтаж ишлари бажарилмоқда. Ишлар тармоқ жадвали бўйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йук. |
|   | чет эл банклари кредитлари   | 127.50                    |                       | 10.00                        | 1.63                            | 1.63         |             | 100.0        |  |

| №  | Лойиха ташаббускорлари ва лойиха номи   | Лойиханинг умумий киймати | Амалга ошириш муддати | 2023 йил ўзлаштириш прогнози | 2023 йил январь-март ўзлаштириш |          |       |       | Лойиха ҳолати  |
|----|---|---------------------------|-----------------------|------------------------------|---------------------------------|----------|-------|-------|--|
|    |   |                           |                       |                              | прогноз                         | кутилиши | (+/-) | %     |  |
| 10 | "Турбай" конларини ўзлаштириш учун казиб олиш ва қайта ишлаш қувватларини кенгайтириш | 132.43                    | 2021-2023йй.          | 77.18                        | 14.36                           | 17.65    | 3.29  | 122.9 | <p>Лойиханинг ТИАси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 июндаги №384-сонли қарори билан тасдиқланган. Бош пудратчи - ЗҚБ НКМК.</p> <p>Қурилиш ҳолати: Ҳозирги кунда ишчи ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Саноат майдонида 3 та ётоқхона ва ошхона биносининг девор ва том қисми металл устунлари, балкалар ва "сендвич" панелли қопламалари монтаж ишлари якунланган. 3- бино ички пардозлаш, электр таъминоти, иссиқ, совуқ сув таъминоти ва канализация қувурлари монтажи якунланиб маиший жихозлар етказиб берилиши кутилмоқда. 2 бино ички парда деворлари гипсокартонли қопламалари, МДФ эшиклар ва дераза ромлари монтажи ишлари якунланиб, ҳозирда пардозлаш ишлари бажарилмоқда. Ётоқхона биноси олдидаги ҳужалик биноси ер ишлари, девор ва томга "Сендвич" панеллар қоплаш ишлари ва дераза ромлари монтажи ишлари якунланган. Ошхона биноси қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ якунланиб, ички маиший техника ва асбоб-ускуналар етказиб берилиши кутилмоқда. 2-қўтарилиш насос станциясидан рудник ишлаб-чиқариш майдонигача техник ва ичимлик суви учун қувурлар пайвандлаш-монтаж ишлари бажарилиб, ҳозирда қувурларни изоляциялаш ишлари амалга оширилмоқда. Заркатлам карьери олдида 1 дона контейнерлик типидagi автомобилларга ёқилги қуйиш станцияси қурилиши ишлари якунланиб объект фойдаланишга топшириш арафасида. Барханли карьеригача бўлган автойўл қурилиши ишлари амалга оширилаётган бўлиб, бугунги кунга қадар 6,5 км якунланди. 45,3 км узунликдаги "Турбай - ГМЗ-3" темир йўл қурилиши линиясининг ПК 00,00 дан ПК 400,00 оралигигача 39,0 км ер ишлари, ПК 00,00 дан ПК 300,00 оралигда 29,52 км темир-бетонли шпалли темир йўл ўрнатиш ва 27,8 км шағал (щебень) ётқизиш ишлари амалга оширилди. Кон техникалари харид қилиш учун шартномалар расмийлаштирилиб босқичма-босқич етказиб берилмоқда. Тўлов ва логистика бўйича муаммолар етказиб берувчилар билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда. Барча ишлар тасдиқланган тармоқ жадвали асосида олиб борилмоқда.</p> |
|    | чет эл банклари кредитлари  | 132.43                    |                       | 77.18                        | 14.36                           | 17.65    | 3.29  | 122.9 |  |
| 11 | Асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жихозлаш                 | 347.30                    | 2020-2025йй.          | 51.80                        | 10.46                           | 10.53    | 0.07  | 100.7 | <p>Ишчи лойиҳалар ишлаб чиқилган ва давлат экспертизасининг ижобий хулосаларига эга.</p> <p>Ушбу лойиҳада амалдаги ишлаб чиқариш қувватларини меъёрда сақлаб қолиш учун ишлаб чиқариш қувватларини технологик қайта жихозлаш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.</p> <p>Ускуна ва жихозлар олиб келинмоқда. Ишлар тармоқ жадвали бўйича олиб борилмоқда, муаммоли масалалар йўқ.</p>   |
|    | чет эл банклари кредитлари  | 347.30                    |                       | 51.80                        | 10.46                           | 10.53    | 0.07  | 100.7 |  |

Бош директорнинг инвестициялар ва капитал қурилиш бўйича ўринбосари



Ф.Ш. Бахронов